

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жорий йилнинг 29 июль куни “Hamkorbank” ва унинг кўп йиллик ишончли ҳамкори ҳисобланган Голландия Тараққиёт банки 100 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини ажратиш тўғрисида битим имзолади. Бу линия бўйича маблағлар мижозларга ҳам АҚШ долларида, ҳам миллий валютада тақдим этилиши режалаштирилган. Ушбу линиянинг асосий мақсади — кичик ва ўрта бизнес, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, яшил иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат. Шу билан бирга, аёллар ва ёш тадбиркорларнинг бизнесини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.



ОМОНАТ РАСМИЙЛАШТИРИНГ ВА СОВҒАЛАР ЮТИБ ОЛИНГ

Биз 30 ёшга тўлмоқдамиз. Шу сабабли, ўз омонатчиларимизни хурсанд қилишга қарор қилдик. Фойда келтирадиган сармоя киритишни ва бонус сифатида ажойиб совғаларни ютиб олишни истайсизми? Ундай бўлса “30 YOSH” омонатини расмийлаштириш учун банк офисларига марҳамат қилинг.



Омонат капитализацияга эга. Бу унинг қўшимча маблағ киритиш имкони мавжудлигини билдиради. Ставкаси — йиллик 20 фоиз;
Муддати — 13 ой;
Суммаси — 3 млн. сўм.

Қўшимча фойда: агар омонат бўйича ҳисобланган фоизларни ечиб олмасангиз, улар ҳам фойда келтиради. Жуда зўр, тўғрими? 16 сентябргача омонатни расмийлаштиринг ва ютуқли ўйинда иштирок этиш имконига эга бўлинг.

24 сентябрь куни куйидаги совғалар ўйналади:

Смартфон — 5 дона;
Смарт соат — 5 дона;
Телевизор — 5 дона;
Велосипед — 5 дона;
Хард диск — 5 дона.

Ҳамкорлик учун миннатдоримиз. “Hamkorbank” 30 йил Сиз билан бирга!

“S&P GLOBAL REYTINGS”

“HAMKORBANK”НИ БАҲОЛАДИ

“S&P Global Reytings” агентлиги “Hamkorbank”нинг кўрсаткичларини ўрганиб, қайта баҳолади.

Ўзгаришлар — В+/В даражасида “ижобий”.

Рейтинг кўрсаткичлари юқори даражадаги даромад, активларнинг яхши сифати ва “Hamkorbank”нинг капитализацияси ўсишини кўрсатади.



УНИТИЛМАС САЁҲАТНИ ЮТИБ ОЛИНГ

Яқинда Visa карталари бўйича 2 та акция якунига етди. Сизни хурсанд қилиш учун кейинги акциямизни бошламоқдамиз. Иштирок этишни хоҳлайсизми? Ундай бўлса, картани тезроқ расмийлаштиринг.

Акция шартлари жуда оддий: бўлса, айти муддао.

Россиядан жўнатилган ўтказмаларни картангизга қабул қилишингиз керак холос. Яқинларингиз шу мамлакатда 16.08.2021 дан 16.10.2021 гача ўтказиладиган акция якунларига кўра 4 нафар ғолиб аниқланади. Ҳар бир ютуқ эгасига 1 000 АҚШ

доллари миқдоридаги саёҳат учун сертификат тақдим этилади. Ғолибларни Instagram саҳифамиз орқали тўғридан-тўғри эфирда 26.11.2021 кунигача аниқлаймиз.

“Hamkorbank” Visa карталарини расмийлаштиринг ва орзуингиздаги таътилга йўл олинг.

“HAMKORBANK” —
30 ЙИЛ СИЗ БИЛАН БИРГА!



HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

NEWS
www.hamkorbank.uz

8-сон

2021 йил, август

“HAMKORBANK” АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ БАХТИЁР ЖЎРАЕВНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ҳамкасблар!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришган кун ва «Hamkorbank» ташкил топган сананинг 30 йиллиги муносабати билан қизғин муборакбод этаман!

Бугунгидай шукуҳли кунда банкимиз томонидан эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, забт этилган марралар салмоғини ҳис этиш инсонга ўзгача ғурур бағишлайди.

«Hamkorbank» бизнес вакиллари ва аҳоли учун ишончли ҳамкор сифатида ўзини тўла намоён эта олди. Йиллар давомида эришилган муваффақиятлар, албатта, мижозларимизнинг бизга билдирган ишончи, ҳамкасбларимизнинг фидокорона меҳнати, касбига садоқати, “Биргаликда юксалиш сари” эзгу ғояси атрофида

жипслашиб иш юритишининг самараси деб ҳисоблайман. Биз учун ҳар бир ходим қадрли. Айниқса, банк маънавияти юқори, интеллектуал салоҳиятга эга, соғлом турмуш тарзини ёқловчи, фаол ҳаётий позицияда бўлган ходимларда ўзининг ёрқин келажagini кўради.

Ишонамизки, жамоамиз ишончли ҳамкор сифатида юқори сифатли ва технологик банк маҳсулот ҳамда хизматларини тақдим этиш орқали мижозлар эҳтиёжларини максимал даражада қондиришни ўзида мужассам этган асосий миссиясига бундан кейин ҳам содиқ қолади.

Сизларга самарали меҳнатингиз ҳамда садоқатингиз учун самимий миннатдорчилигимни билдираман. Барчангизга саломатлик ва оилавий баркамоллик тилайман.

Қўшалоқ айёмлар
муборак бўлсин!





ТЎЛОВ ТИЗИМИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

2021 йилнинг биринчи ярмида банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси 1 128 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 55 фоизга ошган.

Республика бўйича масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 17 млн. дан ошди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 млн. кўпроқ мижозлар банк хизматларидан масофавий фойдаланмоқда.

Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 12 298 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан 1 194 тага ёки 11 фоизга ошган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚУВ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бир ҳафта давомида ўқув семинар бўлиб ўтди. Иштирокчилар банкнинг асосий вазифалари, хусусан, пул-кредит сиёсати ва пул бозоридаги операциялар, пруденциал назорат, инспекция текширувлари ва валюта назоратини амалга ошириш, харидларга оид масалалар, кадрлар билан ишлаш, тўлов тизимларини тартибга солиш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда бошқа йўналишларда билим ва кўникмаларини бойитишди. Шунингдек, коррупцион рискларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда минималлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ҳамда ички аудитни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштиришга оид малакага ҳам эга бўлдилар.

НАРХЛАРНИ ОНЛАЙН КУЗАТИШ ТИЗИМИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мамлакатимиз аҳолиси кўп истеъмол қиладиган асосий товар ва хизматлар нархлари ўзгаришларини муқобил манбаларда инсон омили-сиз тезкор равишда кузатиб бориш ва доимий мониторингнинг амалга ошириш мақсадида нархларни онлайн кузатиш (НОК) тизими ишлаб чиқилди.

Онлайн кузатувларга кўра, 2-21 август кунлари танлаб олинган маҳсулот ва хизмат нархлари 0.16 фоизга ошганлиги қайд этилди.

ЯНГИ КЎРИНИШДАГИ 5 000 ВА 10 000 СЎМ МУОМАЛАГА ЧИҚДИ

2021 йилнинг 26 августидан бошлаб янги кўринишдаги номинал қиймати 5 000 ва 10 000 сўм бўлган банкнот шаклидаги пул белгиларини муомалага чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

5 000 СЎМЛИК ҚИЙМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТ КЎРИНИШИ ВА ТАВСИФИ



10 000 СЎМЛИК ҚИЙМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТ КЎРИНИШИ ВА ТАВСИФИ



Мазкур банкнотлар мавзуси “Буюк Ипак йўли” ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги қадимий Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари тарихига бағишланган. Банкнотлар ҳимояланган қоғозда чоп этилган.

“НАВРЎЗ” БХОНИНГ ТЎЁНАСИ ТАЙЁР

Термиз филиалининг “Наврўз” мини банки фаолиятини 2004 йилда бошлаган. Шаҳарнинг Баркамол авлод кўчасида жойлашган “Hamkorbank”нинг мазкур тармоғи ҳар томонлама мижозларнинг диққат эътиборида.

Мини банк офиси қайта таъмирдан чиқарилиб, июнь ойидан БХО мақомида ишга тушди. Натижада 2 кишилик жамоа 6 нафар ходимга эга муассасага айланди. Айни пайтда шохобча барча турдаги банк хизматларини тақдим этиб келмоқда.

— Банк хизматлари офисимизнинг 120 та юридик ҳамкорлари мавжуд. Улар орасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Сурхондарё вилоят кенгаши, “Юнико Плюс” МЧЖ, “Ўйжойсаноатсув-қурилиш лойиҳалаш” хусусий корхонаси каби йирик мижозларимиз ҳам борки, бугун улар тармоққа салмоқли фойда келтирмоқда, — дейди БХО



бошлиғи Сирожиiddин Норматов.

“Наврўз” “Hamkorbank” тасаруфидидаги биринчи гуруҳ БХОлар тоифасига кириб, энг яхши натижаларни истеъмол кредити, микроқарз, юридик ҳамда касса хизматларида кузатиш мумкин. Аҳоли томонидан

микроқарз, валюта айрибошлаш, пул ўтказмаларига бўлган талаб юқори.

Ҳар доимгидек қизгин иш суръати давом этаётган БХО

“Hamkorbank”нинг 30 йиллик тўйига муаммоли кредитларни камайтириб, ойлик режани ортиғи билан бажариш орқали муносиб тўёна тухфа этди.

Н. ТЎХТАМАТОВА.

ЭНГ ЯХШИ ЎРТА КРЕДИТ СОТУВЧИ ХОДИМ

Наманган минтақавий филиал КХБ етакчи менежери

Дилмурод ИНОМОВдир

“Hamkorbank” АТБ Наманган минтақавий филиали Наманган шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Шу боис ҳам мижозлари кўп. 2018 йилда 18 нафар ходим билан фаолиятини бошлаган филиал айни пайтда 41 нафар зукко, билимли ва изланувчан ходимлар билан шаклланди. Уларнинг 12 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Филиалнинг Тўрақўрғон БХОси ҳам тўрақўрғонликларга хизмат кўрсатмоқда.

Айни кунда юридик мақомга эга мижозлар сони 500 дан ошди. Улардан “Art soft holding”, “Art soft Fiber” ҳамда “Art soft tex Spinning” масъулияти-чекланган жамиятлари банкнинг 30 йиллик юбилейи арафасида филиалнинг намунали ҳамкорлари



сифатида тақдирландилар.

Корпоратив бизнес йўналиши бўйича шу кунга қадар кредит қўйилмалари бажарилиши, яъни ўсиш 42 фоизга, чакана йўналиш бўйича истеъмол кредитлар 124 фоизга, ипотека кредитлари 302 фоизга бажарилди.

Ҳисоб касса хизматидан

олинган даромадлар эса 114, пул ўтказмаларидан олинган даромадлар 112 фоизга ўсди.

Фоизларнинг ўсишида намунали хизмат кўрсатаётган ходимлардан КХБ етакчи менежери Дилмурод Иномов филиаллар ўртасида “Энг яхши ўрта кредит сотувчи ходим” но-

минацияси ғолиби бўлди. Банкнинг 30 йиллиги муносабати билан “Самарали меҳнатлари учун” фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Сотиш жараёнида юқори кўрсаткичларга эришган ходим сифатида чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери Умар Шамирбаев 7 ойлик яқунлар бўйича намунали дея эътироф этилди. Шунингдек, ходимларнинг ота-оналарига ҳам ташаккурномалар топширилди. “Энг яхши раҳбар” сифатида меҳрибон ва одаимийлик каби инсоний фазилатлар эгаси Ўктамжон Эргашев ҳамкасблари ҳурматида сазовор бўлди.

Қўшалок байрам шукухи кезаётган айни лаҳзаларда Наманган минтақавий филиал ходимларининг кўтаринки кайфият билан иш олиб бораётганига хавасингиз келади.

Н. ЙЎЛДОШЕВА.